

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №17

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Навбахор туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси номидан «Низом»и асосида иш берувчи раҳбари М.Абдуллаев бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Навбахор тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси номидан «Устав» асосида раҳбари Д.Пирназаров иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги № ПҚ-3953-сонли “Давлат харидлари тўғрисидаги қарори хамда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисида”ти 2021 йил 22-апрелдаги ЎРҚ-684 сонли қонунига асосан ЎЗРТҲБНИНГ etender.uzex.uz ахборот порталига жойлаштирилган Лот №22110012123100- сонли эълони ва Навбахор туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси танлов комиссиясининг электрон овоз бериш йўли билан ўтказилган танловга асосан ушбу пудрат шартномани туздилар.

### I. ТАРИФЛАР

1.1. Бажариладиган қурилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тутрисидаги далолатномалар хамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган йўлни жорий таъмирлаш. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошка белгилаб қўйилади;

**вақтингачалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтингачалик йўл ва йўллар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейингачалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиши** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига кўра Тошробот МФЙ Довут ота-1 кучасини асфалтлаштириш (жорий, капитал) урнатиш ишлари учун **суммаси 435 875 815** (Тўрт юз ўттиз беш миллион саккиз юз етмиш беш минг саккиз юз ун беш) сум бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. «Буюртмачи» эса «Пудратчи» га қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва туловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов комиссиясининг қарори (2022 йил “25” июлдаги 123100-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **435 875 815** (Тўрт юз ўттиз беш миллион саккиз юз етмиш беш минг саккиз юз ун беш) сум ни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейингачалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:  
қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлиар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди( қонунда кузда тутилган холлар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

3.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўргасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. ПУДРАТЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишлиарни бажариш учун:

барча ишлиарни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш; қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишлиарни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек йўл белгилари ўрнатиш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишлиарнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда йўлнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага - иловага мувофиқ ишлиарни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; ишилар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишиларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш; молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда рўйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишиларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

6.1. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтқазилгандан кейин кучга киради.

6.2. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган қундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.3. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган қундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

6.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (уттиз) фоизи микдорида аванс ўтказади, бу **130 762 745** (**Бир юз ўттиз миллион етти юз олтмиш икки минг етти юз кирк беш**) сўмни ташкил этади.

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов “**Бажарилган ишлар**” далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

7.3. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқни ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.4. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган қундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига асосан ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.2. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.3. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.4. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупро ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва этишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

8.5. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.6. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.7. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.8. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.9. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишида хабардор қиласи.

8.10. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдифисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби

бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.11. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

8.12. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.13. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишилар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиги бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиги бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равища узайтирилади.

9.2. Агар енгиги бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласди.

9.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлиидir.

## **X. КАФОЛАТЛАР**

### **10.1. Пудратчи:**

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойика хужжатларига қамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиелигини кафолатлади.

Мавжуд нусонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

10.2. Пудратчи нуссонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

### 11.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда; қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

### 11.2. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

11.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган ёурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

11.4. Мазкур шартномани бекор ёилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

11.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбордом томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

11.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбордом томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

12.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирганини ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

12.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 1 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

12.4. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг

бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняниңг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва качиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниңг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

12.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектурнишназорат" инспекциясининг холосаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хукукига эга.

12.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

12.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### **XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

### **XIV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР**

14.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

14.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

### **XV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

15.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

15.2. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

15.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги конунларга асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

15.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай ақдлашувни асосланган ҳолда расмийлаштирилиши ва амалдаги конунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

15.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

15.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

15.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

15.8. Шартнома Газначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва амал килиш муддати «31» декабр 2022 йилгача ҳисобланади.

**XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ  
ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:**

«Пудратчи»

«Бюртмачи»

**Навбахор туман йўллардан  
фойдаланиш У.К**

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Навбахор тумани келачи

Тел./факс: +99879-562-12-68  
ш/х\*: 470010860122307045193118001  
СТИР: 200021221  
Банк номи: Марказий банк XKKM  
Тошкент ш.Б.Б МФО: 00 014

**Навбахор тумани Ободонлаштириш  
бошкармаси**

( бюджетдан маблағ олувчининг  
номи )

Манзил: Навбахор тумани

Тел./факс: + 99879-562-0010  
ш/х\*: 100022860122307045204110002  
СТИР: 204591294  
Банк номи: Марказий банк XKKM  
Тошкент ш.Б.Б МФО: 00 014

Рахбар:  Д.К. Пирназаров

Рахбар:  М.Абдуллаев

|   |  |
|---|--|
|  | Hujjat <b>elektron raqamli imzo</b> orqali imzolangan.<br>Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun <b>QR<br/>Code</b> ni skanerlang. |
| Imzolovchi F.I.SH.  | MIROLIM ABDULLAYEV G'AYRATJON<br>O'G'LII   |
| Imzolangan sana   | 2 авг 2022 15:17   |
| Hujjat kodi   | BV2371315812   |
| Hulosa kodi   | XO2603561402   |

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**№ BV2371315812**

**1. Loyihaning turi:**

Shartnoma

**2. Loyihaning nomi:**

Pudrat shartnomasi

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:**

Navbahor tuman Obodonlashtirish boshqarmasi, 01.08.2022 yil

Huquqiy ekspertizadan o‘tkazish natijalariga ko‘ra,

**XULOSA:**

Navbahor tumani yo‘llardan foydalanish unitary korxonasi va Navbahor tuman Obodonlashtirish boshqarmasi o‘rtasida 435 875 815 (to‘rt yuz o‘ttiz besh million sakkiz yuz etmish besh ming sakkiz yuz o‘n besh) so‘m bo‘lgan pudrat shartnoma loyihasi O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to‘g‘risida"gi O‘RQ-684-son Qonuni 71-moddasi hamda hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrda PQ-3953-son "O‘zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to‘g‘risida"gi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida"gi qarori talablari asosida tuzilgan.

Taraflarning javobgarligi me’yori va nizolarni hal etish tartibi qonunchilikka, xususan O‘zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagagi "Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida"gi" 670-I-son Qonuni talablariga mos keladi.

Shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti**



**G.U.Ro‘ziyeva  
02.08.2022 yil**

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 123100 на приобретение Довут ота-1 кучасинижорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

ЛОТ № 221100/2/123100

Дата 25.07.2022

Время рассмотрения 25.07.2022 11:53

Конкурсная комиссия Навбахор туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш булими, (Далее – Комиссия) в составе:

|                       |                                      |                             |  |
|-----------------------|--------------------------------------|-----------------------------|--|
| Председатель комиссии | ABDULLAYEV MIROLIM G'AYRATJON O'G'LI | разхбар                     | Навбахор туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| Секретарь комиссии    | XAMRAYEV MAMURJON DAVLATOVICH        | Инженер                     | Ободонлаштириш бошкармаси                |
| Член комиссии         | SHOQULOV JAMSHID NAJMIDINOVICH       | Тик кудуклар булими бошлиги | Ободонлаштириш бошкармаси                |
| Член комиссии         | SAPARBAYEV ABBOS QO'RGANBOY O'G'LI   | Нур булими бошлиги          | Ободонлаштириш бошкармаси                |
| Член комиссии         | ABDULLAYEV AZIZ ALLANAZAROVICH       | Касаба уюшмаси раиси        | Ободонлаштириш бошкармаси                |
| Член комиссии         | SIDIQOV ABDIVAXOB BARAKAYEVICH       | Бош хисобчи                 | Ободонлаштириш бошкармаси                |
| Член комиссии         | BAXRONOV IXTIYOR IFTIXOR O'G'LI      | Омбор мудири                | Ободонлаштириш бошкармаси                |
| Член комиссии         | XASANOV ZAFARJON AXTAMOVICH          | Мухандис                    | чилен                                    |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 25.07.2022 года № лота 123100.  
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 25.00 / Весовой коэф. ценовой части: 75.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

|                                      |  |
|--------------------------------------|--|
| Наименование товара (работы, услуги) | Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог |
| Подробное описание                   | Довут ота-1 кучасини жорий таъмирлаш           |
| Количество товара                    | 1.00   |
| Единица измерения                    |  |
| Цена товара (услуги) за единицу      | 436 875 815.00                                 |
| Стартовая сумма                      | 436 875 815.00                                 |
| Валюта                               | UZS  |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Соликдан карзи йуклиги тугрисида маълумот. кайси турдаги солик туловчи эканлиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Соликдан карзи йуклиги тугрисида маълумот. кайси турдаги солик толовчи эканлиги тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника                                | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|----------------------|----------------|------------|------------|---------|
| Navbaxor tuman yollardan foydalanish unitar korxonasi | 25        | Хужжат илова килинди | 25             | Экспертная |            |         |
| КОНИМЕХ ТИФУ КОРХОНАСИ                                | 25        | 20                   | 10             | Экспертная |            |         |

Критерий №2 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника                                | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|----------------------|----------------|------------|------------|---------|
| Navbaxor tuman yollardan foydalanish unitar korxonasi | 25        | Хужжат илова килинди | 20             | Экспертная |            |         |
| КОНИМЕХ ТИФУ КОРХОНАСИ                                | 25        | 35                   | 5              | Экспертная |            |         |

Критерий №3 Банк кредитлари буйича муддати утган карздоликни мавжуд эмаслиги. Уз балансида асосий фонdlарга, мулкларга такик куйилмаганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк кредитлари буйича муддати утган карздоликни мавжуд эмаслиги. Уз балансида асосий фонdlарга, мулкларга такик куйилмаганлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника                                | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|----------------------|----------------|------------|------------|---------|
| Navbaxor tuman yollardan foydalanish unitar korxonasi | 25        | Хужжат илова килинди | 25             | Экспертная |            |         |
| КОНИМЕХ ТИФУ КОРХОНАСИ                                | 25        | 23                   | 5              | Экспертная |            |         |

Критерий №4 Ташкилотни қурилиш соҳасида бажарган ишлари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотни қурилиш соҳасида бажарган ишлари тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника                                | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|----------------------|----------------|------------|------------|---------|
| Navbaxor tuman yollardan foydalanish unitar korxonasi | 25        | Хужжат илова килинди | 25             | Экспертная |            |         |
| КОНИМЕХ ТИФУ КОРХОНАСИ                                | 25        | 20                   | 5              | Экспертная |            |         |

Критерий №5 Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; Коррупцияга оид хукуқбузарликларга йўл қўймаслик буйича кафолат хатлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; Коррупцияга оид хукуқбузарликларга йўл қўймаслик буйича кафолат хатлари

Обязательность: Критично

| Наименование участника                                | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|----------------------|----------------|------------|------------|---------|
| Navbaxor tuman yollardan foydalanish unitar korxonasi | 25        | Хужжат илова килинди | 20             | Экспертная |            |         |
| КОНИМЕХ ТИФУ КОРХОНАСИ                                | 25        | 15                   | 5              | Экспертная |            |         |

Критерий №6 Ташкилот гувохномаси ва устави нусхаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот гувохномаси ва устави нусхаси

Обязательность: Не критично

| Наименование участника                                | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|----------------------|----------------|------------|------------|---------|
| Navbaxor tuman yollardan foydalanish unitar korxonasi | 25        | Хужжат илова килинди | 25             | Экспертная |            |         |
| КОНИМЕХ ТИФУ КОРХОНАСИ                                | 25        | 25                   | 10             | Экспертная |            |         |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника                                | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения    | Оценка стоимости (балл) |
|---|-----------------|--------------------|----------------------------------|------------------------|----------------------|---------------------|-------------------------|
| Navbaxor tuman yollardan foydalanish unitar korxonasi | 436 875 815.00  | 435 875 815.00 UZS | 435 875 815.00                   | 00.00                  | 435 875 815.00       | 20.07.2022 18:10:39 | 75.00                   |
| КОНИМЕХ ТИФУ КОРХОНАСИ                                | 436 875 815.00  | 436 875 815.00 UZS | 436 875 815.00                   | 00.00                  | 436 875 815.00       | 21.07.2022 21:17:54 | 74.83                   |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника                                | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---------------------------------|--------------------------------|---------------|
| Navbaxor tuman yollardan foydalanish unitar korxonasi | 23.33325                        | 75                             | 98.33325      |
| КОНИМЕХ ТИФУ КОРХОНАСИ                                | 6.66675                         | 74.83                          | 81.49675      |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 123100 от 25.07.2022 года на приобретение Довут ота-1 кучасинжорий таъмирлаш определила победителем:

Navbaxor tuman yollardan foydalanish unitar korxonasi  
200021221

и резервный исполнитель: КОНИМЕХ ТИФУ КОРХОНАСИ (200013904)

Проголосовали

| Комиссия              | Ф.И.О.                               | Голосование | Комментарии |
|-----------------------|--------------------------------------|-------------|-------------|
| Председатель комиссии | ABDULLAYEV MIROLIM G'AYRATJON O'G'LI | Согласен    |             |
| Член комиссии         | SIDIQOV ABDIVAXOB BARAKAYEVICH       | Согласен    |             |
| Член комиссии         | SHOQULOV JAMSHID NAJMIDINOVICH       | Согласен    |             |
| Член комиссии         | SAPARBAYEV ABBOS QO'RGANBOY O'G'LI   | Согласен    |             |
| Член комиссии         | XASANOV ZAFARJON AXTAMOVICH          | Согласен    |             |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП